



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 15 июль, № 137 (6572)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Замонавий бозор механизми ва экспорт салоҳияти

жаҳонда Ўзбекистон мева-сабзавотлари доврўғини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси кутилганидек, томонлар учун ўта самарали, яқин ҳамда

узок истиқболга мўлжалланган келишувларга бой бўлмоқда. Чунки илк бор ташкил этилган мазкур форум чет эллик ҳамкорларга мазали мева-чевалари ила дунёда доврўқ қозонган Ўзбекистон боғдорчилиги билан нафақат яқиндан танишиш, балки 2016 йилда етиштирилган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун қулай имкониятдир.



Шу маънода, тадбирнинг учинчи кунда мамлакатимиз худудларининг мева-сабзавотчилик тармоғидаги экспорт салоҳиятига бағишланган тақдиротлар ўтказилгани айна мудоа бўлди. Натижада юртимиз ишлаб чиқарувчилари хорижлик мутахассисларга ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар етказиб бериш билан бирга, чет эл капитали иштирокида инвестициявий қўшма лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш юзасидан қўлаб истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилдилар.

киши жаннатмонанд юртимизнинг сўлим боғлари, файз-барақага бурканган сабзавот ҳамда полиз пайкалларига тушиб қолгандек ҳис этади ўзини. Сабаби, ердан дур ундирётган соҳибкорлар етиштираётган маҳсулотларини шу қадар санъаткорона дид билан намойиш этишяптики, кўриб қойил қоласиз. Улардан таралаётган ҳўшбўй хорижликларнинг ҳам димоғини қитқилаб юбораяптики, уларнинг ҳеч қайси лаззатли мева-чеваларининг ёнидан бефарқ ўтиб кета олмаяпти: ҳар биридан татиқ қўришмоқда.

— Юртингизда етиштирилган мева-сабзавотлар бир-биридан

мазали, менга, айниқса, Хоразм қовунлари жуда ёқди, — дейди Испаниянинг "Lendel Media Solutions" компаниясининг халқаро тижорат менежери Роул Мир Солл. — Оғзингизда зумда эриб кетади. Ҳидини айтмайсизми?! Қимматбаҳо атирларниқидан ўтади. Бундай маҳсулотнинг харидори кўп бўлади. Шу боис ушбу вилоят фермерлари билан кўп миқдорда қовун сотиб олиш бўйича музокараларимиз якунланаяпти. Унга кўра, шу йилнинг 1 октябрдан бошлаб, ҳар ҳафтада 30 тоннадан қовун харид қиламиз.

(Давоми 2-бетда).



Инвестиция, модернизация ва янги қувватлар

қишлоқ ҳўжалигини замонавий техника ҳамда усқуналар билан таъминлаш имконини бераётир



Ўзбекистоннинг ноёб табиати ва иқлими, йилнинг тўрт фасли алмашганда ҳам қўшлари кунлар 320 кундан ортқ бўлиши, албатта, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш учун ғоят қулай шароит яратди. Шу боис юртимиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бетакрор таъми ҳамда сифати билан бутун дунёда машҳур.

25 йиллик мустақил тарақиёт мобайнида ўлкамизда туб ўзгаришлар амалга оширилдики, натижада аграр соҳа деярли тўлиқ диверсификация қилиниб, нафақат аҳолини

асосий озик-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, балки катта ҳажда экспортни йўлга қўйишга эришилди. Маълумки, Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги фақат ягона экин — ғўза парваришига йўналтирилган эди. Суғориладиган майдонларнинг 90 фоизига пахта экилгани учун ғалла, гўшт, сут, тухум ва шакар сингари асосий озик-овқат маҳсулотлари четдан келтирилар эди.

(Давоми 4-бетда).

«Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги»

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Европанинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари ўзбек халқини ушбу юбилей санаси билан қўлашар экан, республикамиз суверен ривожланиш йиллари давомида эришган муваффақиятлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришмоқда.

ЭЪТИРОФ

Жумладан, Амстердам Индустрал клубининг раиси Хелен

Овер де Линден "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервью-



сида нидерландияликлар Ўзбекистонни минтақанинг энг муҳим мамлақати, Марказий Осиёнинг юраги, деб билишини қайд этди.

— Ҳозирги пайтда республика шитоб билан ривожланаётган индустриал давлатга айланиб, замонавий демократик жамият барпо этиш йўлида катта натижаларга эришмоқда, — деди у. — Шуни ҳам таъкидлаш кераки, ўтган йиллар даво-

мида ўзбек халқи ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татиқ этиш борасида салмоқли ютқуларни қўлга киритди. Пировардида Ўзбекистон аҳолиси бахтли ҳаёт кечирмоқда, ўз Ватанининг порлоқ истиқболи йўлида астойдил меҳнат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛИ — ЮРТ ИҚБОЛИ

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш ва оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Шу мақсадда шахару қишлоқларимизда замонавий спорт мактаблари ҳамда мажмуалари барпо этилиб, зарур анжомлар билан жиҳозланди. Пировардида фарзандларимиз ўзлари севган спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча қулайлик ва шарт-шароит яратилди. Бу қандай самара бераётгани эса барчага аён. Истеъдодли ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақалар, тур-

ли фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ҳамда фестивалларда ўзларининг маҳорат ва улкан салоҳиятини намойиш этиб, юқори натижаларга эришмоқда. Ақл-заковати, билим-тафаккури, ғайрат-шижоати, муҳими, тоғдек таянчи — Ватанига суяниб, маррани бандлиб олиб яшамоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фарзандлар тарбиясини маҳалладан айро тасаввур

этиб бўлмайди. Бу борада жисмоний тарбия ҳамда спорт орқали баркамол авлодни вояга етказиш ва уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маҳалла институтининг ўрни тобора ортиб бораётгани барчага аён.

Мазкур масалаларда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари бирдек масъулият билан ёндашаётгани, айниқса, эътиборга молик. Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ва зирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, "Камолот" ЁИХ, шахмат, шашка федерациялари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган қатор спорт мусобақаларининг бу борадаги аҳамияти, айниқса, юқори. Кейинги йилларда оилалар, хусусан, ёш авлоднинг мантқий тафаккур даражасини ўстириш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилаётган "Биз ақл-идрокли оилаларимиз" шахмат ва шашка турнири ана шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, бу турнир юртимизда оммавий спортни, хусусан, оилалар ўртасида турли мусобақаларни ташкил этиш орқали ёш авлоднинг мантқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, оилалар бирдамлигини таъминлаш

ҳамда шу масқанда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби мақсадларни ўзида мужасам этгани билан янада аҳамиятлидир. Энг муҳими, унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, уларда иштирок этаётган юртдошларимиз сони кўпайиб бораёпти.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотида кўра, ўтган йилда ушбу турнирнинг куйи босқичлари 8071 та маҳаллада ўтказилиб, уларда 229 минг нафардан кўпроқ киши қатнашган бўлса, жорий йилги мусобақанинг маҳаллалараро босқичи 8591 фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди ва уларда 243 минг нафарга яқин юртдошларимизнинг иштироки таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Ишлаб чиқариш кўлами кенгайди

Сирдарё Оқолтин туманидаги "Сардоба текстиль" қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб тобора ортмоқда.

Шундан келиб чиқиб, яқинда бу ерга 51 та замонавий тикув дастгоҳи ўрнатилиб, 3 та трикотаж мато тўқиш усқунаси ишга туширилди. Натижада тикувчиликда фойдаланиладиган газламани корхонанинг ўзида тайёрлаш ҳамда эҳтиёждан ортган қисмини бошқа енгил санаят субъектларига сотиш имконияти юзага келди.

— Йил бошидан буён 2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди МЧЖ раҳбари Толибжон Раҳимов. — Шундан 80 фоизи хорижий буюртмачиларимизга етказиб берилди.

Модернизациялаш тадбирлари туфайли корхона ишчилари сони 40 нафарга кўпайди. Уларнинг барчаси тумандаги касб-хунар коллежларини тикувчилик ва дизайн йўналишлари бўйича битирган ёшлардир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Доимий даромад манбаи

Хоразм ланаётгани биз учун жуда қўл келаяпти, — дейди корхона раҳбари Мурод Бобононов. — Жумладан, бир қатор имтиёزلарга эгамиз. Бу эса ишимизга унум бағишлайпти. Айни пайтда ойига 60 миллион сўмлик маҳсулотларни харидорларга етказиб бераётган бўлсак, келгусида бу кўрсаткичи янада оширишни мақсад қилганмиз.

— Оилавий тадбиркорлик тобора ривож-

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ноёб андозалар асосида

Фаргона Қўштепа туманида "Қўштепа ипак гиламлари" қўшма корхонаси ишга туширилди. 1 миллиард 800 миллион сўмдан зиёд сармоя худуддаги қаровсиз бинони реконструкция қилишга йўналтирилди. Шу тарихи бу ерда адрес, атлас ва ипак гиламлар тўқишга киришилди.

— Мазкур лойиҳа шарофати билан 200 дан зиёд киши иш ўрнига эга бўлди, — дейди корхона раҳбари Исмоилжон Ашуралиев. — Уларнинг аксарияти ёш мутахассислардир.

Мавжуд цехлардаги ҳар бир жараён илғор технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Маҳсулотга жило беришда гиламдўзлик, адрес ҳамда қўшма андозалардан фойдаланилмоқда. Бу эса уларнинг йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш ва тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ, МУСТАҲКАМ КАФОЛАТ



Чуночи, "Ипак йўли" акциядорлик инновация тижорат банки мақсад-вазифалари айнан шу йўналишдаги ишончли фаолият кўрсатиш, миқозлар манфаатларини бекаму кўст таъминлашга қаратилган. Узига хос корпоратив бошқарув тизимига эга мазкур молия муассасаси хизмат кўрсатишнинг анъанавий кадрларини сақлаган ҳолда, бугунги замон талабларига мос иш олиб борапти.

Хозирги кунда банкнинг бош офисидаги Амалиёт бошқармаси билан бир қаторда, Тошкент шаҳрида 6 та, бошқа ҳудудлардаги 7 та филиали аҳолининг ҳамжори ҳамда яқин кўмакдошига айланган. Стратегик ривожланиш режасига мувофиқ, инфратузилма жорий йил охиригача яна 2 тага кўпайиши, жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани ва Фарғона шаҳрида янги филиаллар очилиши кўзда тутилган.

Йилдан-йилга асосий кўрсаткичларда юқори ўсиш суръатлари кузатилаётгани, бу эса, табиийки, халқаро рейтинг ташкилотлари эътиборига сазовор бўлаётгани қувонарлидир. Хусусан, банкнинг кредит лаёқатлилиги рейтинглари "Moody's" ҳамда "Fitch Ratings" каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари, "Ahbor-Reyting" миллий рейтинг агентлиги томонидан

Ўзбекистон банк тизими барқарорлик, юқори даражада хизмат кўрсатиш, мустаҳкам кафолат таъминлини устувор билиб, самарали фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Муҳим йўналишларда, хоҳ у кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, аёллар лойиҳаларига кўмаклашиш ёки йирик истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўлсин, банклар ҳаммаша пешқадамлар сафида, десак, муболаға эмас.

"Барқарор" даражасида баҳоланган алоҳида эътиборга моликдир. Молия муассасасининг рақобатдошлиги қайд этилган кўрсаткичларда ҳам яққол намоён. 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, унинг активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 53 фоиз ўсиб, 2311 милли-

ўрни бор. Шундан келиб чиқиб, ушбу молия муассасаси миллий ва халқаро тўлов карталари эмиссиясини оширишда самарали воситаларни қўллаш, масофавий хизматларни ривожлантириш, халқаро пул ўтказмалари тизимини кенгайтириш, омонатлар жозибadorлигини яхшилаш ҳамда ис-

мазкур тизим исталган транзакцияларни бажаришда банк картасидан фойдаланишнинг контакtsiz янги технологияси ҳисобланади.

— Биз интерактив хизматларни доимий равишда янгиллаб боришга интиламиз, — дейди молия муассасасининг Корпоратив мижозлар билан алоқалар ва банк махсулотларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Татьяна Ли. — Бунда банк мутахассислари бугунги кунда аҳоли орасида оммалашган "Интернет банкинг", "Мобиль банкинг", "Click" ҳамда "SMS-тўлов", "SMS-хабарнома", "Шахсий кабинет" каби хизматлардан ташқари, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун янги интернет-эквайринг хизматини ишлаб чиқмоқда. Янги хизмат ҳаётга татбиқ этилган, "UzCard" картаси эгаларининг интернет-дўкандан харидни амалга ошириш имконияти кенгайтирилади.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, масофавий хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Ипак йўли" банки "Маълумот хизмати"ни ҳам йўлга қўйган. Мазкур хизмат кечаю кундуз миқозларнинг ушбу йўналишдаги барча саволига жавоб бериб, юзга келган масалаларнинг ижобий ечимини топишга кўмаклашади.

Қисқаси, "Ипак йўли" банки ўз муваффақиятларига миқозлар ютуқлари билан уйғун равишда эришаётган. Шу боис фаолияти давомидан ҳар бир миқозга алоҳида ёндашишга, уларнинг талабларини эътиборга олишга, молиявий эҳтиёжларини ўз вақтида таъминлашга астойдил ҳаракат қилаёпти.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ҲАҚИДА

СУВ ТАЪМИНОТИ

Бугунги кунда сувни беҳуда сарфламаслик, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Негаки, Ер юзида чучук сув захиралари қанчалик камийиши тўғрисида дунёнинг айрим минтақаларида яшовчи одамлар бундан азият чекаёпти. Аҳоли сонининг ошиши, янги экин майдонларининг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш тармоқларининг кўпайиши ҳам обихаёт танқислигининг асосий сабаблари сифатида таъкидланади.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АФЗАЛЛИГИ

Шундай бир вазиятда мамлакатимизда мазкур бебаҳо неъматнинг мўл-қўллилиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ, Лекин бу уни исроф қилиш мумкин, дегани эмас. Ваҳолонки, сувни истеъмолга яроқли ҳолга келтиришнинг ўзи осон юмуш эмас. Бунинг учун қанча меҳнат ва маблағ талаб этилади. Шундай экан, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли бурчимиз.

Пойтахтимизда ичимлик суви таъминоти икки асосий манба — оқиқ ҳамда ер ости суви ҳавзалари орқали амалга оширилди. Бунинг учун махсус станциялар ва гидроиншоотларда жамланган оқова суви бир неча босқичда тозаланади ҳамда хонадонлар, ишлаб чиқариш тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларига узатилади. Ушбу вазифаларнинг бекаму кўст бажарилишида "Сувсос" давлат унитар корхонасининг ҳам ҳиссаси катта.

Айтиш жоизки, мазкур жамоа бу йил куз-қиш мавсумига тайёрлик ишларини анча барвақт бошлаган. Шу мақсадда ўтган қисқа даврда 11 километрдан зиёд ичимлик ва 2,6 километр узунликдаги оқова

сув тармоқлари капитал таъмирланди. 59 километрлик ичимлик суви ҳамда 249 километрлик оқова суви тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилди.

Худудда обихаёт таъминотини яхшилашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "Тошкент шаҳрининг ичимлик суви таъминоти ва сув-оқова тизимига замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ этиш ва модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриямал бўлаётган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳозирга кунга қадар 162 та насос қурилмаси алмаштирилди ҳамда модернизация қилинди. Дунёга машҳур "Грундфос" компанияси билан шартнома имзоланиб, унинг доирасида энг сўнгги русумдаги олти-та агрегат келтирилди.

Албатта, тежамкорликка эришишда таъминот жараёнида фойдаланиладиган технология ва ускуналарнинг илғорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали энергия сарфи камайтирилади, исрофгарчиликнинг олди олинади. Шундан келиб чиқиб, "Сувсос" давлат унитар

корхонаси жамоаси корхона техник ҳамда технология жиҳатдан янгиллаш пайидан бўлаётган.

Чуночи, "Кодирия" асосий суви ўтказиш иншоотида тўртта тозалаш қурилмасига янги филтёр ўрнатилди. Электр таъминотидаги узлишларга барҳам бериш мақсадида "Қибрай" суви иншоотидаги биринчи кўтариш насос станциясининг 200 метр узунликдаги юқори қучланиш линиялари янгиланди. Бинобарин, "Жанубий" суви ишлаб чиқариш иншоотида 2-босқич насос агрегати, бешта кўтариш насос станцияси капитал таъмирланди. 20 донадан зиёд ускуналарнинг электр

двигателлари соз ҳолатга келтирилди. Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан эътиборан тадбиркорлик субъектларининг ичимлик ва оқова суви тармоқларига улашиш юзасидан мурожаатларини давлат хизматлари кўрсатувчи "ягона дарча" марказлари орқали қабул қилиш йўлга қўйилди. На-тижада ўтган даврда келиб тушган 150 га яқин мурожаатлар белгиланган муддатларда қўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Сув таъминотида нафақат тақсимлаш, балки ҳисоблаш тизимининг ҳам аҳамияти катта. Ушбу эҳтиёждан келиб чиқиб, ани пайдада "Жанубий" ҳамда "Сергели" суви иншоотларига хориджан келтирилган ўлчаш асбоблари ўрнатиш ишлари изчил олиб бориляпти. Шунингдек, тармоқдаги кўз илғамас носозликларни аниқловчи қурилмалар амалиётда кенг қўлланилаётган. Пировавдида иш самарадорлиги ортиб, ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилмоқда. Уз наваб-тикада, пойтахт аҳолиси хонадонлари, ташкилоту муассасаларда кишин-ёзин зилол суви таъминотида муаммолар юзга келмаслиги кафолатланапти.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Баъзан кўча-кўйда, хонадонларда тоза ичимлик суви беҳуда сарфланаётганига гувоҳ бўламиз. Мазкур бебаҳо неъматдан маъий турмушнинг кўпгина жабҳаларида, ҳатто экин ва гулзорларни сугориш, хонадонларнинг микроклимини мақбуллаштириш мақсадларида ноқош фойдаланиш ҳолларига нисбатан кўз юмиб бўлмайди. Ахир ҳар нарсанинг ўлчов ҳамда меъёри бўлганидек, ичимлик суви ҳам беҳисоб эмас. Устига-устак, уни тозалаш, аҳоли манзилларига узлуқсиз етказиб туриш катта меҳнат ва сарф-харажати талаб қилади. Бинобарин, она-табиатнинг бу бебаҳо неъматига қадрга етиб, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

«AVTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситаси куйилмоқда:

Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 17 июндаги 6122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 508 DA бўлган, «ГБА Дамас СПГ» русумли.

Бошланғич баҳоси — 31 311 999 сўм.

2016 йил 1 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситалари такоран қуйилмоқда:

Қибрай тумани СИБ томонидан:

1. 2015 йил 2 февралдаги 2454-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 S 2489 бўлган, «Daewoo-Kalos» русумли.
2. 2013 йил 22 декабрдаги 32021-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 X 195 MA бўлган, «BA3-2106» русумли.
3. 2013 йил 3 июлдаги 12426-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 T 410 AA бўлган, «Москвич-412» русумли.
4. 2012 йил 26 апрелдаги 5782-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 K 336 EA бўлган, «Доган» русумли.
5. 2015 йил 2 мартдаги 7160-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 V 920 GA бўлган, «GA3-24» русумли.
6. 2012 йил 22 июндаги 9589-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 X 0082 бўлган, «КамАЗ» русумли.
7. 2016 йил 5 апрелдаги 4982-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 644 CDA бўлган, «Ласетти» русумли.
8. 2016 йил 5 апрелдаги 4982-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 824 FDA бўлган, «Кобальт» русумли.
9. 2015 йил 6 августдаги 17125-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 D 906 KA бўлган, «Нексия» русумли.
10. 2016 йил 8 февралдаги 887-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб

чиқарилган, давлат рақами 10 K 471 MA бўлган, «ГБА СПГ Нексия Сонс» русумли.

Бошланғич баҳоси — 29 646 260 сўм.

2. 2014 йил 16 июндаги 11511-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 F 552 FA бўлган, «ГБА СПГ Нексия» русумли.

Бошланғич баҳоси — 23 293 468 сўм.

3. 2015 йил 10 ноябрдаги 10903-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Q 417 EA бўлган, «ГБА Дамас СПГ» русумли.

Бошланғич баҳоси — 23 568 898, 64 сўм.

4. 2015 йил 10 ноябрдаги 10902-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 T 123 HA бўлган, «ГБА Дамас СПГ» русумли.

Бошланғич баҳоси — 13 203 632, 60 сўм.

5. 2014 йил 7 ноябрдаги 14546-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 J 323 HA бўлган, «Нексия Сонс» русумли.

Бошланғич баҳоси — 28 767 184 сўм.

6. 2013 йил 4 октябрдаги 14546-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 A 92 19 бўлган, «BA3-21011» русумли.

Бошланғич баҳоси — 717 921 сўм.

7. 2014 йил 18 мартдаги 6416-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 E 454 CA бўлган, «BA3-21150» русумли.

Бошланғич баҳоси — 6 177 215 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Avto garant business» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-61-44.

Гувоҳнома 004593.

«Respublika mulk markazi» АЖ — 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.

Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.

Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«RESPUBLICA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ шаклидаги Қ/Кга тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-«А» уйда сақланаётган, «Нексия-2 DONC» русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, ранги куларанг (серебристый), техник ҳолати таъмирталаб, давлат рақами 01/870 YAA бўлган автотранспорт воситаси такоран қуйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 26 855 000 сўм.**

Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат миқдори — 10 фоиз.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 июль куни соат 12.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 27 июль куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2016 йил 29 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 8, 19 август кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 8 августдаги савдо учун 5 август куни, 19 августдаги савдо учун 17 август куни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Тошкент кимё-технология институтига тегишли, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уйда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:
1. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ,

техник ҳолати соз, давлат рақами 01/016 CBA бўлган, «GA3-3102» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 7 058 000 сўм.

2. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, давлат рақами 01/446 GBA бўлган, «GA3-31100» русумли автотранспорт воситаси такоран қуйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 5 168 000 сўм.**

Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат миқдори — 10 фоиз.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 август куни соат 12.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 3 август куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуҳаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувиде белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сарбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширганга қадар тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001580.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Хорижий сармоядорлар диққатига!

«Respublika mulk markazi» АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил этадиган, давлатга тегишли бошланғич баҳоси 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини «Тошкент» Республика фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этамиз!

Жамият 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автототранспорт воситаларининг, хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларнинг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, зарур оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 1 январгача акциядорлик жамиятларида ўзларига тегишли бўлган акциялардан дивиденд тарзида оладиган даромадларидан солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Телефон: (0-371) 227-90-23. www.rmm.uz

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Молия ва солиқлар вақфедраси катта ўқитувчиси **Мадина БИЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чучук таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Dunyo bo'ylab» телеканали ДУК жамоаси телеканал масъул котиби Октябр Мансурова отаси **Мамазид МАНСУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чучук таъзия изҳор этади.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ачинарлиси, гарчи, унмдор ер ва кулай иқлим шароитига эга бўлса-да, Ўзбекистонда мева-сабзавот ва картошканинг аҳоли жон бошига истеъмол қилиш кўрсаткичи соёқ иттифоқнинг бошқа республикаларига нисбатан икки баравар паст эди.

Мустиқлик йилларида юртимиз аграр секторига етарлича таъминот таъминоти, нафақат озиқ-овқат мустиқлиги мустаҳкамланмоқда, балки қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-

лик ҳаракатини ривожлантириш, ерларнинг унмдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни татбиқ этиш учун, аввало, деҳқонларимиз замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда жиҳозлари билан таъминланган бўлиши зарур.

Қайд этиш жоизки, мустиқликка эришгунимизга қадар қишлоқ хўжалигида техника воситалари етишмасди. Уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар алмисқондан қолган, маънан эскирган ускуналардан фойдаланишга мажбурлиги сабаб, ушбу му-

лиги, ташқи бозорда рақобатга бардош бера олиши, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши лозим эди. Бу борада энг тўғри йўл ишлаб чиқаришни мақбул даражада маҳаллийлаштириш бўлиб, бунинг учун самарали усуллари қўллаш зарур ҳисобланарди.

Шу мақсадда мамлакатимизда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 майдаги "Қишлоқ хўжалигининг машина-созлик корхоналарини бошқа-

тилган ягона техник сиёсатни юритиш, агросаноат мажмуи учун замонавий, юқори саманари, ички ва ташқи бозорда рақобатдош техника ҳамда жиҳозлар тайёрлашни ташкил этиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Уларни рўёбга чиқариш учун "Ўзагросаноатмашхолдинг" холдинг компанияси ташкил этилди. Унинг таркибига "Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи", "Чирчиқ қишлоқ хўжалик техникаси заводи", "Агрегат заводи", "Технолог", "Урганчормаш", "БМКБ-Агро-

ихтисослаштирилган, айни вақтда тугатилаётган Тошкент трактор заводи майдонининг бир қисмида ташкил этилган.

2015 йил якунига кўра, бу ерда қиймати 63 миллиард сўмлик 761 дона қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарилди. Корей Республикасининг "LS Mtron" компанияси билан ҳамкорликда тайёрланган "LS" русумли трактор шулардан биридир. У ғўзани культивациялаш ва ўғитлаш қаторида, транспорт воситаси сифатида яна бир қатор хизматларни бажаришга қодир.



Ўза култиватори билан жиҳозланган "LS" русумли трактор

Инвестиция, модернизация ва янги қувватлар

қишлоқ хўжалигини замонавий техника ҳамда ускуналар билан таъминлаш имконини бераётир

овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми тобора ортиб бораёпти. Бу, албатта, инвестицияларни жалб этган ҳолда, соҳа модернизация қилиниб, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари техник ва технологик жиҳатдан янгилангани, замонавий қайта ишлаш корхоналари фойдаланишга топширилгани самарасидир.

Маълумки, аграр соҳани ислоҳ қилиш, хусусан, фермер-

аммо янада кескинлашган эди.

Ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қисқа муддатда зарур техника воситалари билан таъминлаш бўйича тезкор чоралар қўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Вазифа шундан иборат эдики, ўзимизда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникалари сифати бўйича ривожланган давлатлариникидан қолишмас-

ришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори алоҳида ўрин тутди. Негаки, ушбу ҳужжатда ана шу корхоналарда бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг самардорлиги ва рентабеллик даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик жиҳатдан қайта куроллантиришга кара-

маш" акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Uz CLAAS Agro" ҳамда "Lemken Chirchiq" Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналари киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, "Ўзагросаноатмашхолдинг" ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ мавжуд корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан қатъий иш бошлади. Бир қатор инвестициявий лойиҳалар тайёрланиб, улар кейинчалик 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришда тузилмавий ўзгаришларни, модернизация ҳамда диверсификацияни таъминлаш чора-тадбирларига доир дастурдан жой олди.

Жумладан, "Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи" АЖни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳасини ўз қўлими жиҳатдан глобал лойиҳа, дейиш мумкин. Чунки бу корхона тармоқдаги энг йирик объект бўлиб, у илгари тракторлар, пахта териш машиналари ҳамда тиркамалар ишлаб чиқаришга

Заводни модернизациялаш бўйича лойиҳа бир неча босқичдан иборат бўлиб, унда лойиҳа замонавий тракторлар,

2015 йилда

"Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи" АЖда қиймати

63 миллиард сўмлик **761**

дона қишлоқ хўжалиги техникаси

ишлаб чиқарилди.

хусусан, трансмиссия ҳамда редукторларнинг корпусли компоненти механик ишлов беришни ўз ичига олувчи компонент тайёрлашни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, дон, ем-хашак ҳамда пахтадан йиғиб-териб олишга мўлжалланган машиналар, тиркамалар ва бошқа техникаларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг асосий техник ҳамкори Германиянинг "CLAAS" концерни "Uz CLAAS Agro" қўшма корхонаси у билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш учун

50 миллион доллардан зиёд инвестиция йўналтирилган. Бу пировардида "Uz CLAAS Agro"да қишлоқ хўжалиги техникаларининг айрим турлари, яъни "Axos" ҳамда "Arión" русумли тракторлар, "Dominator" галла ўриш комбайни, "Markant" русумли галлани ўриб, сомонни тойлаб берадиган машина ва "Jaguar" ем-хашак йиғувчи комбайни учун асосий компонентлар ишлаб чиқаришни таъминлади. Шундан сўнг Ўзбекистонда ана шундай техника воситаларини тайёрлашни маҳаллийлаштиришнинг навбатдаги босқичи бошланди.

Лойиҳани рўёбга чиқариш жараёнига Европанинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб этишдан мақсад мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, жиҳозларнинг юқори унмдорлиги, тежамкорлиги ҳамда аниқлигига эришиш ҳисобидан сезиларли даражада иқтисодий самара олишдир.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда амалга оширилаётган лойиҳа доирасида "ERP" классли ахборот тизимини жо-

рий этиш режалаштирилган. Унинг афзаллиги шундаки, барча бизнес-жараёнларини реал вақт режимида назорат қилиш имконини беради. Бошқарув, назорат ва ҳисоб-китоб самардорлиги ҳамда шаффофлиги таъминланади, регламент ва ҳисоботларни тайёрлашга кетадиган вақт қисқаради, маълумотларнинг ишончилиги ортади, ўз навбатида, инсон омилининг таъсири камаёди.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводини модернизация қилишнинг иккинчи ҳамда учинчи босқичлари 2018-2019 йилларга мўлжалланган трансмиссия ва редукторларнинг алоҳида деталлари ишлаб чиқаришни янгилаш, иссиқ ҳолда штамплаш ҳамда қуввот жараёнини йўлга қўйиш, двигателлар йиғишни ташкил этишни ўз ичига олади.

Умуман, Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводини замонавий ишлаб чиқариш мажмуасига айлантириш — "Ўзагросаноатмашхолдинг" холдинг компаниясининг устувор вазифасидир. Унинг ижроси натижасида эса тармоқнинг саноат салоҳияти янада юксалди, республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли, буғунги кун талабларига жавоб беришчи техникаларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади. Буларнинг барчаси келгусида мамлакатимизда дала ва боғ неъматлари янада мўл-қўл бўлишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Родион АХМЕДГАРИЕВ,
«Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси корпоратив ва мулкый муносабатлар бошқармаси бошлиғи.



Ўза чеканка қилувчи осма мосламали "Axos" русумли трактор

ЭЪЛОНЛАР

Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

қишлоқ врачлик пунктларига дори воситалари ва реактивларни консолидар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўткази.

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид этиладиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ишлаб чиқарувчилар (товар етказиб берувчилар), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналарига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи — Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Тендер комиссияси ишчи органи манзили: 112038, Фаргона шаҳри, Юксалиш кўчаси, 104-уй.

Телефонлар: (0-373) 244-96-07, 244-24-42. Факс: (0-373) 244-37-03. Электрон почта: fargona.vssb@minzdrav.uz

Банк реквизитлари:

Молия вазирлиги газначилиги х/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, Марказий банк ХКМ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, МФО: 00014, ШХР: 400121860304017950100054006, СТИР: 200151432, ОКОНХ: 97400.

Танлов предмети:

қуйидаги лотлар бўйича маҳсулотларни етказиб бериш:

Лот № 1. Шошилиқ тиббий хизмат кўрсатиш учун дори воситалари;

Лот № 2. Реактивлар;

Лот № 3. Тиббий буюмлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган маҳсулотларнинг максимал нархи ҳамда тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари:

Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига, туман тиббиёт бирлашмалари дорихона омборларига маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва ретендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда кўрсатилади.

Тендер бошлангунга қадар вилоят танлов комиссияси томонидан савдода қатнашиш истагидаги талабгор фирма ҳамда корхоналарнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари ва таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) шартнома миқдорига қараб 2 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача бўлиб, тендер (танлов) ҳужжатлари ҳамда закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига тўланади.

1027R/470



TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

S&P Global

Халқаро рейтинг агентлиги 2016 йилда

«ТУРОНБАНК»

акциядорлик тижорат банкининг

кредит рейтингини

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан тасдиқлади.

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрога Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаб-қўлаб такрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди. Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Набатчи — О. Файзиев.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси